O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 16 феврал жума

Сотувда эркин нархда
№ 35-36 (2597-2598)

Олий Мажлисда

## АКЦИЯДОР ДИВИДЕНД ОЛСИН-ДА...

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасининг навбатдаги йиғилишида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Бухоро вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди. Уни мазкур қўмита раиси Муҳаммаджон Умаралиев олиб борди.

Бозор инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида вилоят ҳудудида «Тартиб» хусусийлаштириш инвестиция фонди, «Голден - капитал» инвестиция фонди, «Хумо» ва «Элсис - кастоди» махсус реестр юритувчи компаниялари, «Келажак инвест», «Дискант», «Жайхун», «Олмос» каби брокерлик идоралари ташкил этилган бўлиб, улар айни кунда қимматли қоғозлар бозорида самарали фаолият кўрсатаяпти.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг матни, мазмуни ва моҳиятини бевосита ижрочиларга етказиш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилган. Шу туфайли ҳам акциядорлар қонунда белгиланган ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини кун сайин чуқурроқ тушуниб етмоқдалар.

Мазкур Қонун ижросини таъминлашда ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Жумладан, бу борада кузатув кенгашлари суст фаолият кўрсатаётганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолатлар бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишига тегишли таклифлар берилди ва «Ўзавтотранс», «Қишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» уюшмалари таркибига кирувчи 4 та акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раислари, «Ўзгўштсутсаноат», «Ўзенгилсаноат», «Ўзавтотранс» ва «Қишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» уюшмалари таркибидаги 6 та акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзолари алмаштирилди.

Акциядорлик жамиятларининг муаммоларидан яна бири, бу дивидендларни тўлаш масаласидир. Вилоятдаги айрим акциядорлик жамиятлари дивидендларни тўлаш шартларига доимий тарзда риоя этмасдан келишяпти. Ҳатто имтиёзли акциялар бўйича ҳам дивидендлар тўламаслик ҳоллари учраётир. Янада ачинарли томони вилоятдаги бирорта ҳам акциядорлик жамияти суғурталаш идоралари билан шартномалар тузмаган.

Йиғилишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

**Эркин МАВЛОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов бошқарди. Унда ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва муддати ўтган дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссияларнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, ўзаро ҳисоб-китоблар аҳволи, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг иш ҳақига доир қарздорлиги масалалари кўриб чиқилди.***

Ҳукумат комиссияси мажлисида бир қанча вазирликлар, идоралар, концернлар, компаниялар, уюшмалар ва тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича кичик комиссия раиси Р.Азимов ўз маърузасида ўтган даврда вазирлик ва идоралар томонидан республика бюджетига тушумлар тахминий кўрсаткичларини бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилганини қайд этди. Шу билан бирга Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК, "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзмонтажмахсусқурилиш", "Ўзбек ипаги" уюшмалари, "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компаниялари, "Ўзавтотранс" корпорацияси, "Ўзагромашсервис", "Ўзбектрансқурилиш"га қарашли ташкилотларда бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ўсгани қайд этилди.

Мазкур вазирлик ва идоралар раҳбарларига бюджетга тўланмай қолган қарзларни тугатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Марказий банк раиси, Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини қисқартириш бўйича кичик комиссия раиси Ф.Муллажонов ўз маърузасида ўтган даврда ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ҳисобига 2001 йил 1 январдаги ҳолатга кўра республикадаги корхона ва ташкилотлар бўйича муддати ўтган умумий дебиторлик қарзлари 41 фоизга, кредиторлик қарзлари 58 фоизга қисқарганини қайд этди. Бундан ташқари мониторинг ўрнатилган вазирлик ва идоралар бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзлари тугатилган. Бюджетнинг режали харажатларини молиялаш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кредиторлик қарзларини реструктуризациялаш натижасида дебиторлик қарзлари, шу жумладан, тизим ичидаги қарзлар сезиларли даражада қисқартирилди.

Мажлисда тегишли кичик комиссияларнинг 2001 йилдаги фаолиятига оид устувор йўналишлар белгиланди. Улар бюджет олдида қарздорликка йўл қўймаслик, ҳудудий комиссияларнинг роли ва масъулиятини ошириш, ўзаро қарздорликка, бюджет тўловлари ўсишига йўл қўяётган тармоқлар ва идоралар раҳбарларига нисбатан кўриладиган чораларни кучайтиришдан иборат.

Ҳукумат комиссияси айрим корхоналарда иш ҳақи бўйича қарздорлик мавжудлигини қайд этди. Шу муносабат билан вазирлик ва идоралар раҳбарларига ўзларига қарашли ҳар бир корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 504-сонли қарорига мувофиқ иш ҳақи бўйича қарздорликни тугатиш юзасидан тезкор чоралар кўриш топширилди.

Баённома қарорига асосан Ҳукумат комиссиясининг 2001 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

**(ЎзА)**



### Баракасини берсин!

**Шу кунларда юртимизнинг кенг далаларини кезсангиз, ям-яшил ястаниб ётган ғаллазорларни кўриб кўнглингиз шукуҳга тўлади. Беихтиёр кексаларимиз: «Уйинг ғаллага тўлгур», дея алқаб айтадиган сўзларнинг маъносини чаққандай бўласиз. Бу ҳам истиқлол шарофатидан-да. Яна ўзбекда «Баракасини берсин», деган эзгу ният ҳам бор. Барака! Бу сўзнинг қадрини 90 ёшни қаршилаган каттақўрғонлик Отақул бобо Ҳусанов сингари боболардан сўранг. Айни кунларда элнинг оқсоқоли бўлган бу инсонлар сизга нон қадри ҳақида кўплаб гапни айтиб беришади. Ғаллазорларга боқар эканмиз, тилимизга бир эзгу калом келди: баракасини берсин, бобо деҳқоним!**

**СУРАТДА: Отақул бобо Ҳусанов Навоий номли ширкат хўжалиги пудратчиси Рўзимурод Рустамов далаларида.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН БОШЛАНДИ

Пойтахтдаги "Шератон" меҳмонхонасида Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси ҳамкорлигида "Ўз-ўзини бошқарув органларининг ҳуқуқий бошқарилиши: қонунчилик ва амалиёт" мавзуида халқаро конференция бошланди.

Анжуманда Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Украинанинг давлат муассасалари ва ноҳукумат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этяпти. Иштирокчилар икки кун давомида ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми ва Марказий Осиё минтақаси давлатларида номарказлаштириш жараёни билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашади. Хорижлик қатнашчилар ўз мамлакатларининг маҳаллий бошқарув органларини ташкил этиш ва уларга тааллуқли қонунлар қабул қилиш борасидаги ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўзлайди.

Мамлакатимиздаги турли ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ечишда ўз-ўзини бошқарувчи маҳаллий органларнинг ўрни катта.

Айниқса, маҳаллалар сингари институтлар фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга молик. Қатнашчилар мазкур конференция ана шундай мақсадларни рўёбга чиқаришда чет эл тажрибасидан кенг фойдаланишга имкон яратишини ва бундай тадбирларни кўпроқ ўтказиб туриш фойдадан холи бўлмаслигини таъкидлашди.

**(ЎзА)**

## "Андижонча" сига экасизлармиди?

### Марҳамат, плёнка олинг!

Долзарб мавзу

Эзгу ишнинг натижаси хайрли бўлади. Шу боис андижонликларнинг издошлари ҳам кўп. Пахтачиликда Андижон усули кенгроқ қўлланиладиган бўлди-ю, рўзғорини "зўр-базўр" тебратиб турган "Жиззахпластмасса" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг иши юришиб кетди. Аниқроғи, республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, барча вилоятларни (Андижондан ташқари) полиэтилен плёнкалари билан таъминлаш ана шу завод зиммасига юклатилганди. Натижада жамоа учун тараққиёт уфқлари кенгайди, меҳнатга янгича муносабат шаклланди. Энг муҳими, корхона фаолиятини самарали ташкил этиш ҳаётий зарурат эканлигини маҳаллий раҳбарлар тўла англаб етмоқдалар.

Иш ҳам шунга яраша ташкил этилди. Жанубий Кореядан зарур миқдорда хомашё сотиб олиш учун "Пахтабанк"дан 1 миллиард 600 миллион сўм имтиёзли қарз олинди. Мавжуд 22 агрегатни уч сменада тўлиқ ишлатиш учун мутахассис кадрлар тайёрланди. Бугунга келиб, плёнка ишлаб чиқаришда қатнашаётган ишчи-хизматчилар сони 250 нафарга етди. Ахир, 118 минг гектардан зиёд ердаги экинни плёнка билан таъминлашнинг ўзи бўладими?

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, чигит экиш мавсуми бошлангунга қадар 6400 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиши зарур. Бунга тўла асос бор. Январ ойида кунига 50-55 тонна плёнка тайёрланган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 60-65 тоннага етказилмоқда. Заводда бўлган кунимиз Фарғона вилоятининг ўзига юз тоннадан ортиқ плёнка жўнатилди. Бунгача қорақалпоғистонлик пахтакорлар 132 тонна, хоразмликлар 91 тонна, қашқадарёликлар эса 52 тонна маҳсулот олишга улгуришган экан.

Корхона биноси олдидаги катта майдон ҳамиша гавжум. Республиканинг турли минтақаларидан келаётган автомашиналарнинг кети узилмайди. Аммо, очиғини айтиш керак, жўнатилаётган маҳсулот ҳажми, назаримизда, имконият даражаси ва заруратдан камроқдек туюлди, бизга.

— Кунига 180-200 тонна маҳсулот жўнатаяпмиз, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси вазифасини бажарувчи Ҳоди Пўлатов. — Плёнкани ортиш ва тушириш ўта нозик иш бўлиб алоҳида эҳтиёткорликни талаб этади. Акс ҳолда, катта чиқимга йўл қўйиш ҳеч гап эмас.

Бир килограмм плёнканинг нархи 535 сўмга тўғри келиши эътиборга олинса, юқоридаги фикрга қўшилмасдан илож йўқ. Корхона жамоаси ҳар дақиқани ғанимат билиб, мавжуд имкониятларни ишга солаяпти. Маҳсулот сифати аъло. Буни Давлат стандарти қўмитасидагилар ҳам, Тошкент полимерлар институти мутахассислари ҳам бир овоздан тасдиқлашяпти.

Даромад ҳам меҳнатга яраша. Айниқса, моддий манфаатдорлик тобора ошиб бораётганлиги қувончлидир. Цех бошлиқлари Мунаввар Наматов ва Улуғбек Усмоновларнинг таъкидлашларича, корхонада ўртача ойлик иш ҳақи 30 минг сўмдан кам бўлмаяпти.

Андижон тажрибаси асосида чигит экишга шайланиб турган пахтакорлар учун эрта-индин плёнка зарур. Уни ҳозирдан тайёрлаб қўймаса, кейин кеч бўлади. Аммо баъзи вилоятларда бу ишга бефарқ қаралаётгани кишини таажжублантиради. Акс ҳолда, 300 тоннадан маҳсулот олиши лозим бўлган Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари бўйича ҳозиргача корхонага 12-18,5 миллион сўмдан пул ўтказилганини қаноатли ҳол, деб бўладими? Наманганлик мутасаддилар заводдан 1100 тонна плёнка олишни режалаштиришган. Лекин улар шу пайтгача бирор килограмм маҳсулот олмагани, завод ҳисобрақамига эндигина 29,7 миллион сўм маблағ ўтказганини қандай изоҳлаш мумкин?

Халқимизда "Ҳисобли дўст айрилмас", деган ҳикматли гап бор. Маҳсулот учун вақтида пул тўланса, бундан ҳар икки томон фақат наф кўришини унутмайлик. Зотан, плёнка остига чигит экиш пахтачиликда истиқболли усул эканлигини андижонликлар тажрибаси исботлаб турибди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Мамлакатимизда

### «Косонсой-Текмен»нинг имтиёзли савдоси

***Унда тайёр кийимлар эллик фоиз арзонлаштирилган нархда сотилди.***

***Қўшма корхонанинг ушбу янгилиги унинг доирасидан чиқиб, вилоят марказига ҳам кўчди. Жумладан, Наманган шаҳридаги «Искархон» супермаркети «Косонсой-Текмен» маҳсулотлари учун ажратган бўлимда иш айни имтиёзли савдо билан бошланди. Харидорлар 9 турдаги 4 миллион сўмликка яқин маҳсулотни ярим баҳосига сотиб олдилар. Улар орасида жаҳон андозалари даражасида тайёрланган эркаклар, аёллар ва болалар пальтолари, бежирим костюм-шимлар бор.***

***— Имтиёзли савдо тарғиботнинг самарали воситаси, — дейди қўшма корхона бош директорининг ўринбосари Жевдет Юзич. — Уни маҳсулотимиз ўтмай қолганидан эмас, балки харидорлар оқимини кенгайтириш мақсадида уюштиряпмиз. «Косонсой-Текмен» яқин кунлар ичида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Навоий шаҳарларида ҳам ана шундай имтиёзли савдоларни ташкил этиш ниятида.***



### Яна хушхабар келди

***Қорақалпоғистондаги "Хўжайли толаси" акциядорлик жамиятига Испаниядан қувончли хушхабар келди. Мамлакат пойтахти Мадридда ҳар йили ўтказиладиган пахта сифати бўйича халқаро эксперт комиссияси анжуманида акциядорлик жамиятининг маҳсулоти Германия ва АҚШ эксперт комиссияси томонидан иккита олтин медал билан тақдирланди.***

***"Хўжайли толаси" вакиллари мукофотни олиш учун март ойида Франкфурт ва Нью-Йорк шаҳарларига таклиф этилдилар.***

### Грантга 10 дона компьютер

***Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз олий ўқув юртлари имкониятларини янада кенгайтирмоқда.***

***Қарши Муҳандислик-иқтисодиёт институтининг Германиянинг Гамбург ҳамда Голландиянинг Твенте шаҳарларидаги университетлар билан илмий ҳамкорлиги шу йўналишдаги ишлар сирасидан. Институт Гамбург, Твенте ҳамда Тошкент давлат техника университетлари билан ТАСИС-ТЕМПУС халқаро дастури лойиҳасида фаол қатнашиб, грант соҳиби бўлди. Ушбу грантга биноан институт 10 дона компьютер билан тақдирланди.***

***Институтда бўлиб ўтган компьютер хонаси тақдимотида қатнашган ТАСИС-ТЕМПУС халқаро дастури лойиҳасининг бош мувофиқлаштирувчиси, профессор Хонно Шоумберг, Твенте университетининг профессори Хайнс Даймен келгусида ҳамкорлик алоқалари янада ривожланишига ишонч билдиришди.***




## Курраи заминда

### Таклиф билдирилмайди, аммо...

***НАТО Бош котиби Жорж Робертсон Россияни алянснинг Шарққа кенгайиши унга хавф солмаслигига ишонтиришга ҳаракат қилмоқда. Унинг айтишича, ҳозирча бирор номзод давлатга НАТОга кириш тўғрисида таклиф билдирилмаган. Бироқ Вашингтон шартномаси ҳар қандай демократик мамлакатнинг аляснга қабул қилинишига рухсат беради, деди у. НАТО кенгайишининг кейинги босқичидаги номзодлар орасида Россиянинг қўшнилари Латвия, Литва ва Эстония бор.***

### Шрёдернинг мавқеи баланд



***Германия канцлери, ҳукмрон Социал-демократлар партияси раиси Герҳард Шрёдернинг фаолиятини аҳолининг 50 фоизи маъқуллар экан. Мамлакатда ўтказилган жамоатчилик сўрови натижалари шундан дарак беради. Германия Бундестагига (парламент) 2002 йилда ўтказиладиган сайловда унинг асосий рақиби бўлиши кутилаётган Христиан-демократлар партияси етакчиси Ангела Меркелни эса аҳолининг 42 фоизи қўллаб-қувватлаши маълум бўлди.***

### Жўяли жавоб олинмади

***Белград матбуотида таъкидланишича, ҳарбий жиноятларни текширадиган халқаро Гаага трибуналининг махфий рўйхатида Черногория президенти Мило Жукановичдан ташқари Югославия қуролли кучларининг собиқ бош қўмондони, айни пайтда Сербия бош вазири Момчило Перишич, Черногориянинг собиқ президенти Момир Булатович, Сербия бирлиги партиясининг раиси Борислав Пелевичнинг номлари бор. Гаага трибунали бош прокурори Карла дел Понте журналистларнинг бу борадаги саволларига «Биз қидирув ишлари кетаётган чоғда ҳеч нарса дея олмаймиз», деган баҳона билан жўяли жавоб бермади.***

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**

## ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР!

**Мен оддий пахтакор деҳқоннинг ўғлиман. Бир неча йилдан буён фермер хўжалигини бошқариб келаяпман. Пахта ва ғалладан юқори ҳосил кўтараяпмиз. Фақат кейинги икки йил ичида хўжалигимизда пахта ҳосилдорлиги 33 центнерга, ғалланики эса 52 центнерга етди. Қониқиш билан шуни таъкидлаймanки, меҳнатимиз туфайли оиламиз тўқ, рўзғоримиз эса бут бўлди.**

### ЁШЛАРГА ИШОНИНГ

Фермер хўжалигимиз эришган баъзи бир ютуқлар билан мақтанмоқчи эмасман. Айтмоқчи бўлган асосий гапим шуки, Юртбошимизнинг қайта-қайта таъкидлашларига қарамасдан жойларда раҳбарлар, биз — ёшларга ҳамон ҳадик билан қарашади. Ёш йигит-қизларни, масъулиятли ишларга тайинлашаётганда негадир иккиланиб қолишади. «Эплаб кетармикан? Аксинча чиқиб, таъна сўзлари эшитиб қолсак-чи? Ахир у ҳали жуда ҳам ёш-ку», деган хавотирларга боришади. Туманимизда, вилоятимизда мен тенги жуда кўп қишлоқ ёшлари оилавий пудрат асосида ишлаб, фермер хўжаликлари очиш илинжида юрганлигини яхши биламан. Қоғозбозлик, тўрачилик баъзан уларнинг ҳафсаласини пир қилади. Ахир Юртбошимиз замон ёшларники, уларга дадил ишонмоқ керак, дея даъват қилаётган бир паллада бундай иккиланишлар кишини ранжитиши тайин. Оқибатда баъзи бир ёшлар енгил-елпи ишларга, тижорат соҳасига ўтиб кетаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Назаримда, янги «Камолот» ҳаракати масаланинг ана шу жиҳатларига ҳам жиддий эътибор қаратиши, ечимнинг мақбул йўлларини излаши керак бўлади. Чунки ҳар бир йигит-қиз мана шу фаслда кучга тўлади, гуллаб-яшнайди. Қай бир хўжалик, қай бир туман ёки айтайлик, қай ташкилот ва корхона раҳбари бўлмасин, ўз жамоасида ишлайдиган йигит-қизларга имконият эшикларини кенг очиб беришлари керак. Ахир биз миллат ишончи, давлат таянчи эмасмизми? Ёшларга тўғри муносабатда бўлинаётган жойларда тенгдошларимиз ақлни шоширадиган фидокорона ишларни амалга ошираётганлигини бугунги ҳаётнинг ўзи яққол исботлаб турибди-ку! Ишонч бўлса, имконият яратилса, биз ҳеч қачон катталарнинг юзини ерга қаратмаймиз. Сизларнинг ёнингизда туриб, сизлардан ўрганиб, азиз Ўзбекистонимизнинг, шу гўзал юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун астойдил меҳнат қиламиз ва яшаймиз.

**Зокиржон ХЎЖАМҚУЛОВ,**
**Боёвут туманидаги «1-Боёвут» ширкатлар уюшмаси фермери.**

### «Сен ёнмасанг, биз ёнмасак...»

Ёшлар муаммолари, ташвишлари, орзу-умидлари ҳақида кўп ва хўп гапирилarди. Лекин гап-гаплигича қолиб кетаверар эди. Юртбошимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббускор гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқидан сўнг «Биз ҳам ўқияпмиз, ишлаяпмиз, яшаяпмиз» деб юраверган эканмиз, деган хулосага келдим. Шунча муаммолар, ҳал қилинмаган масалалар бизни кутиб турибди.

Юртбошимиз нутқини чуқур мутоала қилиб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Низоми ва Дастури билан танишиб чиқдим. Ҳужжатлар ихчам, лекин илгариги жамғарма Низомларининг руҳи яққол сезилиб турибди. Юртбошимиз чиқишида илгари сурилган масалаларнинг кўпи қамраб олинмаган. Ахир дастур узоқ йилларга мўлжалланган стратегик ҳужжат бўлса, кенг қамровли масалалар, йўналишлар, истиқболни белгиловчи даъваткор йўл-йўриқлар ифодаланмаса, ёшларнинг юрагига чўғ солмаса, уни алангалатмаса нима кераги бор? Агар эътибор берган бўлсангиз дастурда ватанпарварлик руҳи сезилмайди.

Низом эса нимаси биландир менга собиқ комсомол уставини эслатди. Яна ҳуқуқ ва бурчлар, ижроия органлар мулки. Тўғри балки, жаҳон андозаси шундайдир. Лекин миллий ғоя, руҳ, анъана деган тушунчалар ҳам бор-ку. Менимча, Низомда Соҳибқирон бобомизнинг «Темур тузуклари»даги юртпарварлик, ватанга садоқат, бир сиқим тупроқнинг осмон қадар топинган қадри ўз ифодасини топиши лозим эди.

Биз талабалар ҳозир янги ҳаракат руҳи билан яшаяпмиз, десам муболаға қилмаган бўламан. Ҳаракатнинг номидан бошлаб, Низоми, Дастури, келажакдаги ўрни ҳақидаги мунозаралар аудитория, ётоқхона, қироатхона, кўча-кўйда, қўйинки иккита ёшнинг боши қовушган жойда давом этаяпти. Фикримча, аввало, ҳаракат жамғармадан фарқли ўлароқ иш услубини, замонга, даврга нисбатан муносабатини ўзгартириши, ҳаётнинг илдам қадамларидан ортда қолмаслиги керак. Шунда у илгари ўралиб қолган тор қобиқдан силтаб чиқиб кетади. Ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчига айланади.

Энди ёшларнинг шахсий ташаббуси масъулияти ҳақида ҳам мухтасар сўз. Менимча Низомда ҳам, дастурда ҳам ёшларнинг юрт, Ватан олдидаги масъулиятлари биринчи навбатда ярқ этиб туриши лозим. Фақат бу ҳужжатларга миллий ғоя, миллий мафкура она сутидай сингдирилсагина масъулият, бурч ошади. Шундагина лоқайд ёшлар ҳушёр тортади, уларнинг турли диний, террористик оқимларга, гуруҳларга кириб кетишларининг олди олинади.

Ниятимиз битта: янги ҳаракат ёшларнинг бошини қовуштирадиган, дардлари, муаммолари билан ошно бўладиган юрти учун, халқи учун, унинг тараққиёти учун фидойиларча меҳнат қиладиган ёшлар ҳаракатига айлансин.

**Дилфуза СОДИҚОВА,**
**Фарғона давлат университети талабаси, Зулфия мукофоти соҳибаси.**

Ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти ёки протести бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклаш сўралган илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкин. Зарур ҳолларда бу масала илтимоснома берган шахснинг иштирокида ҳал қилинади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклашнинг рад этилганлиги устидан юқори судга шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин, у муддатни тиклашга ва ишни хусусий шикоят ёки протест бўйича кўриб чиқишга ҳақлидир. Бунда ушбу Кодекс 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талаблар бажарилиши лозим.

**$497^{6}$-модда. Ҳукм устидан апелляция шикояти ёки протести бериш оқибатлари**

Апелляция шикояти берилиши ёки апелляция протести билдирилиши ҳукмни ижро этишни тўхтатиб туради.

Ҳукм устидан шикоят бериш ва протест билдириш учун белгиланган муддат тугагач, ҳукм чиқарган суд ушбу Кодекс 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариб, ишни шикоятлар, протестлар ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар, шунингдек тақдим этилган қўшимча материаллар билан бирга ўн кундан кечиктирмай апелляция инстанцияси судига юборади.

Бу муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан йигирма кунга узайтирилиши мумкин.

**$497^{7}$-модда. Апелляция шикояти ва протестининг мазмуни**

Апелляция шикояти ва протестида қуйидагилар



сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** "нусхалари билан тақдим этилади" деган сўзлар "нусхалари билан судга тақдим этилади" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

33) **328-моддасининг номидаги ҳамда биринчи қисми биринчи хатбошисидаги** "кассация" деган сўз "апелляция" деган сўз билан алмаштирилсин;

34) **329-моддасидаги ва 330-моддасининг матнидаги** "кассация" деган сўз "апелляция" деган сўз билан алмаштирилсин;

35) **331-моддасининг номидаги** "кассация" деган сўз "апелляция" деган сўз билан алмаштирилсин;

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди апелляция шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай кўриши лозим. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда тегишли суднинг раиси бу муддатни кўпи билан яна ўн кунга узайтириши мумкин";

**иккинчи ва учинчи қисмларидаги** "кассация" деган сўз "апелляция" деган сўз билан алмаштирилсин;

36) **332-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"332-модда. Апелляция инстанцияси судининг ишни кўриш доираси**

Суд ишни апелляция тартибида кўраётганда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текширади. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция



***Ўзбекистон Республикасининг***

***ҚОНУНИ***

# Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5 - 6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5 – 6, 153-модда, № 7 – 8, 217-модда):

1) **13-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Тегишли суд ҳайъатларида апелляция, кассация ва назорат тартибида ишларни кўриш уч нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукмларига апелляция ва



ди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари устидан назорат тартибида келтирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Зарур ҳолларда протестлар бўйича ишлар Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини четлаб ўтиб, назорат тартибида бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин";

52) **355-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Тарафларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга уларнинг иши бўйича келтирилган протестнинг нусхаси юборилади. Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинади";

53) **357-моддасининг биринчи қисмидаги** "кассация" деган сўз "апелляция ёки кассация" деган сўз билан алмаштирилсин;

54) **359-моддасидаги** "иш юзасидан хулоса" деган сўзлар "иш юзасидан ўз фикрини" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

55) **360-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатларининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг ажримлари ва Ўзбекистон Рес-



унга берилади.

Суд тарафларнинг сўзларини эшитиб, ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини лозим даражада текшириб кўришни таъминлаш заруратидан келиб чиқиб, бевосита суд мажлисида текшириладиган далиллар ҳажмини аниқлаш тўғрисида; суд мажлисига судланувчини, жабрланувчиларни, гувоҳларни, экспертлар ва зарурат бўлса, бошқа шахсларни чақириш тўғрисида; судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини сақлаб қолиш, танлаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шундан кейин суд суд мажлисига чақирилган судланувчини, гувоҳларни, жабрланувчиларни сўроқ қилиш йўли билан далилларни текширишга, шунингдек тарафларнинг илтимоси бўйича ҳамда ўзининг ташаббуси билан ҳужжатларни, баённомаларни ва ишга оид бошқа материалларни ўқиб эшиттиришга киришади. Далилларни текшириш тартиби тарафларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳлар, агар суд тарафларнинг илтимоси бўйича ёки ўзининг ташаббуси билан уларни чақиришни зарур деб топган бўлса, апелляция инстанцияси судида сўроқ қилинадилар.

Тарафлар янги гувоҳларни чақириш, экспертиза ўтказиш, уларга биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўриш рад этилган ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилишга ҳақлидир. Арз қилинган илтимосларни ҳал этиш ушбу Кодекснинг 438-моддаси қоидалари асосида амалга оширилади, бунда апелляция инстанцияси суди илтимос биринчи инстанция судида қаноатлантирилмаган



даги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза суд томонидан ўн кунлик муддат ичида стационарга ётқизилаётган шахснинг қонуний вакили ва стационарга ётқизишнинг асослилиги тўғрисида хулоса берган комиссия таркибидаги шифокор психиатр, прокурор, шунингдек шахс ётган психиатрия муассасаси вакили иштирокида кўриб чиқилади.

Суд мажлисига муассаса вакилининг узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги аризани кўриб чиқишга монелик қилмайди, бироқ суд унинг келишини шарт деб топиши мумкин.

**$297^{3}$-модда. Суднинг ҳал қилув қарори**

Суднинг аризани қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори тегишинча шахсни психиатрия стационарига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш учун асос ҳисобланади";

19) **311-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текширув:

1) қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикояти ёки апелляция протести бўйича;

2) биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ажрими устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бўйича;

3) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори устидан берилган кассация шикояти ёки кассация протести бўйича;

4) биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ажрими устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бўйича;



"Фуқаровий даъвогар: фуқаровий даъво қўзғатиш ва уни қувватлаш; далиллар тақдим қилиш; қўзғатилган даъво бўйича тушунтиришлар бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; суриштирувчидан, терговчидан, прокурордан ёки суддан даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақида илтимос қилиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг иш материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотлар ёзиб олиш; биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд ҳукми ва ажримининг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоят қилиш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир";

10) **59-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Фуқаровий жавобгар: айблов ва фуқаровий даъвонинг мазмунини билиш; даъвога эътироз билдириш; тушунтириш бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг иш материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш; биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд ҳукми ва ажримининг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоятлар бериш; иш бўйича келтирилган



**муносабати билан ишни кўрадиган кассация инстанцияси судининг ваколатлари**

Кассация инстанцияси суди хусусий шикоят ёки хусусий протестни кўриб:

1) ажримни ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирмасликка;

2) ажримни бекор қилишга ва ишни моҳиятан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга;

3) ажримни бутунлай ёки қисман ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ҳамда масалани моҳиятан ҳал қилишга ҳақли";

48) **349-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси барча судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари қуйидагилар келтирган протестлар бўйича назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин:

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди раиси, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислари – тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан ҳамда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судлов ҳайъатлари апелляция, кассация ажримлари устидан келтирган протестлар бўйича, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбе-



тибда суд томонидан тикланса, шунингдек маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг апелляция шикояти, ушбу маҳкумга доир иш процессининг бошқа иштирокчиси берган апелляция шикояти ёхуд протести бўйича кўриб чиқилганидан сўнг келиб тушган бўлса, апелляция инстанцияси суди бундай шикоят ёки протестни кўриб чиқиши ва у бўйича ажрим чиқариши шарт.

Бу ажрим аввал чиқарилган ажримга зид бўлса, иш бир ёки ҳар иккала ажрим устидан протест бериш масаласини ҳал қилиш учун назорат тартибида протест билдириш ваколатига эга бўлган суд раисига жўнатилади.

Ишни қўшимча кўриш тартиби кечикиб келган хусусий шикоят ва хусусий протестни ҳал қилишга ҳам таалуқлидир.

**$497^{18}$-модда. Апелляция инстанцияси судининг ажрими**

Апелляция инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Ажрим судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ажрим барча судьялар томонидан имзоланади. Овоз беришда озчиликни ташкил этган судья ажримга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибида шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин";

30) **498-моддасининг** номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"498-модда. Ҳукм ва ажрим устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар";**



тирок этган судья шу ишни биринчи инстанция судида ёки кассация инстанцияси судида ёхуд суд назорати тартибида кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

Ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция судида ёки апелляция инстанцияси судида ёхуд суд назорати тартибида кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

Ишни суд назорати тартибида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция, апелляция ва кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас";

6) **30-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Судья рад қилинган тақдирда иш фуқаролик ишлари бўйича шу туманлараро, туман (шаҳар) судида, лекин бошқа судья томонидан кўрилади ёки иш кўриш учун фуқаролик ишлари бўйича бошқа туманлараро, туман (шаҳар) судига ўтказилади.

Иш Ўзбекистон Республикаси Олий судида, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судида, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судида кўрилаётганида судья ёки суднинг бутун таркиби рад қилинган тақдирда иш шу суднинг ўзида, лекин бошқа суд таркибида кўрилади.

Агар Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судида, фуқаролик ишлари бўйича вилоят судида ёки фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида ушбу Кодекснинг 27-моддасида кўрсатилган сабабларга кўра рад қилиш қаноатлантирилганидан кейин шу ишни кўриш учун суднинг янги таркибини ташкил қилишга имкон бўлмаса, иш Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилиши лозим. Бундай ҳолларда иш Ўзбекистон Республикаси Олий суди то-



гар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида иштирок этишга ҳақлидир. Мазкур шахслар ишни кассация ва назорат тартибида кўриш чоғида ҳам иштирок этишга ҳақлидир, жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкум бундан мустасно. Жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумнинг кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисида иштирок этиши, шунингдек уни суд мажлисига олиб келиш зарурлиги масаласини суд ҳал қилади. Иш кўриладиган жой ва вақт ҳақида ўз вақтида огоҳлантирилган мазкур шахсларнинг узрсиз сабабларга кўра келмаганликлари ишни кўришга монелик қилмайди. Лекин суд маҳкумни, оқланган шахсни, шунингдек жабрланувчини, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни ва уларнинг вакилларини тушунтириш бериш учун чақириши мумкин";

17) **480-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жиноят ишининг апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилишида прокурор қатнашади.

Ишнинг кўрилишида:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳайъатларида – тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори томонидан ваколат берилган прокурор;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент



**гандан сўнг кассация инстанцияси судининг ҳаракатлари**

Кассация инстанцияси суди зарур ҳолларда:

1) ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки протест юзасидан тушунтириш беришни (эътироз билдиришни) таклиф қилади. Тушунтиришларнинг (эътирозларнинг), шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини суд ишда иштирок этувчи шахсларга топширади;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси бўйича далилларни талаб қилиб олишга кўмаклашади.

**$348^{10}$-модда. Кассация шикоятини (протестини) тўлдириш, ўзгартириш, шикоятдан воз кечиш ва протестни қайтариб олиш**

Кассация шикояти берган шахс уни тўлдириш, ўзгартириш ёки ундан воз кечишга ҳақли.

Кассация протести келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунига қадар протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олишга ҳақли.

Агар ҳал қилув қарори устидан бошқа шахслар шикоят бермаган бўлса, шикоятдан воз кечиш қабул қилинганлиги тўғрисида ва протест қайтариб олинган тақдирда, кассация инстанцияси суди ажрим чиқариб, кассация тартибида иш юритишни тугатади.

$348^{11}$-модда. Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими

Кассация шикояти берилган ёки протест келтирилгандан кейин даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан оли-



1) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси – барча инстанция судларининг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари – Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларидан ташқари, ҳар қандай суднинг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан;

2) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар – жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг ҳукмлари ва ажримлари устидан; ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судлов ҳайъатларининг ажримлари устидан, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция бўйича кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно;

3) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори – округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳукмлари ва ажримлари устидан, ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ажримлари устидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажрим-



сўзлар "жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

50) **541-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларидаги** "туман (шаҳар) судининг", "туман (шаҳар) суди" деган сўзлар тегишли келишикдаги "жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**II.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №9, 234-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда):

1) **23-моддасининг тўртинчи қисмидаги** "умумий судга", "умумий судда" деган сўзлар тегишли келишикдаги "умумий юрисдикция суди" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **118-моддасининг биринчи қисми 5-бандидаги** "давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса" деган сўзлар "давлат божи тўланганлигини ва бошқа суд харажатлари қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **134-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Баённома котиб томонидан суд мажлисининг ўзида ёки алоҳида процессуал ҳаракат бажарилган вақтда мажлисдан ташқарида тузилади. Баённома раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби томонидан мажлиснинг эртаси кунидан кечиктирмай ёки бевосита шу ҳаракат бажарилганидан кейин имзоланиши керак";

4) **139-моддасининг биринчи қисмидаги** "шунингдек ундириладиган сумма жавобгарнинг банкдаги қайси



би, ишни кўришда қатнашган прокурор ва бошқа шахслар;

3) апелляция, кассация шикояти, апелляция, кассация ёки назорат тартибида протест берган шахс;

4) шикоят ёки протест берилган ҳукмнинг, ажримнинг (қарорнинг) қарор қисми мазмуни;

5) шикоятнинг, протестнинг, уларга нисбатан билдирилган эътирозларнинг мазмуни, ишда иштирок этаётган шахслар тушунтиришларининг қисқача баёни ва прокурорнинг фикри;

6) шикоят, протест бўйича суднинг қарори.

Шикоят, протест қаноатлантирилмай қолдирилган тақдирда, уларда келтирилган важлар қандай сабабларга кўра асоссиз ёки аҳамиятсиз деб топилганлиги ажримда (қарорда) кўрсатилиши лозим.

Ҳукм, ажрим (қарор) бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳолларда апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди қонуннинг қайси моддаларидаги талаблар бузилганлигини ҳамда бекор қилинаётган ёки ўзгартирилаётган қарорнинг асоссизлиги нимадан иборат эканлигини кўрсатиб ўтиши лозим.

Иш апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан қўшимча терговга ёки янгитдан судда кўриш учун юборилаётганда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар кўрсатилиши зарур.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди ушбу Кодекснинг 298 ва 300-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув, дастлабки тергов ўтказишда ва суд муҳокамасида йўл қўйилган камчиликларга жалб қилиш зарур бўлганда хусусий ажрим чиқаради.

Ажрим суднинг тўлиқ таркиби томонидан, суд ра-



лар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан кассация шикояти берилиши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

**$348^{2}$-модда. Кассация шикоятларини (протестларини) кўрадиган судлар**

Қуйидагилар:

1) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари – тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳал қилув қарорлари устидан, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини);

2) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди – округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини);

3) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини);

4) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати – Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъатининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини) кўради.

**$348^{3}$-модда. Кассация шикояти бериш (протести келтириш) тартиби**

Кассация шикоятлари ва протестлари кассация инстанцияси суди номига ёзилади, лекин ҳал қилув қарори чиқарган судга берилади.

ган шахслар томонидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест билдирилиши мумкин.

Ҳукм чиқариш билан якунланган суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ажрим устидан шикоят берилган ёхуд протест билдирилган тақдирда, ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш учун белгиланган муддат тугагандан кейингина иш апелляция инстанцияси судига юборилади.

Суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ва далилларни текшириш тартибига процесс иштирокчиларининг илтимосномаларига, эҳтиёт чорасини танлаш, уни ўзгартириш ёки бекор қилишга, шунингдек суд мажлиси залида тартиб сақлашга оид ажримлар устидан мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда шикоятлар бериш ва протестлар билдириш мумкин эмас. Буларга қарши эътирозлар апелляция шикояти ёхуд апелляция протестига киритилиши мумкин.

Ушбу иш бўйича тараф ҳисобланмаган шахслар ҳам суд ажрими устидан, башарти ажрим уларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, шикоят беришга ҳақлидир.

**$497^{10}$-модда. Апелляция инстанцияси суди мажлисини тайинлаш**

Биринчи инстанция судининг раиси апелляция шикояти ёки протести тушган ишни юқори турувчи судда кўриб чиқиладиган кун ва жойни белгилайди, ушбу Кодекснинг $497^{2}$-моддасида кўрсатилган шахслар бундан хабардор қилинади.

Гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар суд мажлисига суднинг ихтиёрига биноан таклиф қилинадилар.

**$497^{11}$-модда. Апелляция инстанциясида иш юритиш тартиби**

Апелляция инстанциясида иш юритиш биринчи инстанция судидаги иш юритиш қоидалари бўйича, шу



**цияси судлари ажримининг (қарорининг) қонуний кучи**

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг ажрими (қарори) чиқарилиши биланоқ дарҳол қонуний кучга киради";

25) **319-моддасининг иккинчи қисмидаги** "Кассация" деган сўз "Апелляция, кассация" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) **37-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

## "37-боб. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ВА АЖРИМЛАРИ УСТИДАН АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ БЕРИШ (ПРОТЕСТИ КЕЛТИРИШ)";

27) **320-моддасининг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"320-модда. Апелляция шикояти бериш (протести келтириш) ҳуқуқи ва муддати";**

**матнидаги** "кассация" деган сўз "апелляция" деган сўз билан алмаштирилсин;

28) **321-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"321-модда. Апелляция шикоятларини (протестларини) кўрадиган судлар**

Қуйидагилар:

1) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари – тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳал қилув қарорлари устидан, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий су-



кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Назорат инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган протестлар бўйича ишларни улар апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан кейин кўриб, қарор (ажрим) чиқаради";

5) **29-моддасининг биринчи қисмидаги** "кассация" деган сўз "апелляция, кассация" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **46-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Айбланувчи: ўзининг нимада айбланаётганини билиш; ўзига қўйилган айблов юзасидан ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатув ва тушунтириш бериш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ҳимоячига эга бўлиш ва у билан холи учрашиш; ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад этиш; далиллар тақдим қилиш; терговчи ёки суриштирувчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ва ундан керакли маълумотларни ёзиб олиш; терговчи ёки прокурор томонидан жиноят ишининг тугатилганлигига норозилик билдириш ва суд муҳокамаси ўтказишни талаб қилиш; биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, тер-



қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан келтирган протестлар бўйича";

49) **350-моддасининг иккинчи ва олтинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза мазмун жиҳатидан ушбу Кодекснинг 323-моддасига мувофиқ бўлиши лозим. Аризага суд чиқарган ҳал қилув қарорининг нусхаси, агар иш апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳам кўриб чиқилган бўлса, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларининг ажримлари (қарорлари) нусхалари ҳам илова қилинади";

"Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди раиси, фуқаролик ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси протест келтиришни рад қилганлиги устидан аризачи Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг ўринбосарларига шикоят бериши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурори протест келтиришни рад қилганлиги устидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларига шикоят бериш мумкин";

50) **352-моддасининг биринчи жумласидаги** "мансабдор шахслар" деган сўзлар "прокурор ва унинг ўринбосарларидан ташқари мансабдор шахслар" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

51) **354-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича ви-



учун юборишга ҳақли.

Агар биринчи инстанция суди иш юзасидан камчиликларга ёки суд терговини бир томонлама олиб боришга ёхуд жиддий бўлмаган процессуал қоидабузарликларга йўл қўйган бўлса, апелляция инстанцияси ишни биринчи инстанция судига янгитдан судда кўришга юбормай, камчиликларни тўлдириш, процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш чораларини кўради ҳамда кўриб чиқиш натижаларини инобатга олган ҳолда ҳукмга ўзгартиришлар киритади.

Апелляция инстанцияси суди қарорида қандай асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳукми тўғри деб, шикоят ёки протестнинг важлари эса асоссиз деб топилганлиги, биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилишга ёки уни ўзгартиришга нималар асос бўлганлиги кўрсатилиши керак.

Апелляция инстанцияси қарор қабул қилаётганда биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўрилган ва ишончли деб топилган далилларга апелляция шикоятлари, протестларини кўриб чиқишда текширилган янги далилларни қўшган ҳолда таянишга ҳақлидир.

Қарор ушбу Кодекснинг 473-моддаси қоидалари асосида эълон қилинади.

**$497^{14}$-модда. Апелляция инстанцияси суд мажлисининг баённомаси**

Апелляция инстанцияси судида суд мажлисининг котиби ушбу Кодекснинг 426-моддасида назарда тутилган қоидалар асосида баённома юритади. Суд мажлиси баённомаси юзасидан мулоҳазалар берилиши мумкин, улар ушбу Кодекснинг 427-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

**$497^{15}$-модда. Хусусий шикоят ва протестларни ҳал**



ўтказишга ҳақли";

10) **143-моддаси** чиқариб ташлансин;

11) **160-моддасининг иккинчи қисмидаги** "кассация" деган сўз "апелляция" деган сўз билан алмаштирилсин;

12) **199-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"199-модда. Прокурорнинг фикри**

Ишда иштирок этувчи прокурор ишнинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этади, прокурорнинг бошқа шахслар ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзғатилган ишлар бундан мустасно";

13) **204-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ҳал қилув қарори судья томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) қабул қилинади, ёзма равишда тузилади ва судья томонидан имзоланади. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди";

14) **214-моддасининг учинчи қисмидаги** "кассация" деган сўз "апелляция" деган сўз билан алмаштирилсин;

15) **217-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Суднинг ҳал қилув қарори, агар унинг устидан шикоят берилмаган ёки протест келтирилмаган бўлса, апелляция шикояти бериш ва протест келтириш муддати ўтганидан кейин қонуний кучга киради. Ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти берилган ёки апелляция протести келтирилган тақдирда, ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори инстанция суди кўриб чиққанидан кейин қонуний кучга киради";



кистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги ишни, агар у мазмунан мураккаб бўлмаса, жиноят ишлари бўйича тегишли туман (шаҳар) судига, шунингдек округ ёки ҳудудий ҳарбий судга кўриш учун топширишга ҳақли";

13) **409-моддасининг еттинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Прокурор жиноят ишларини кўришда ёки ҳукмни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ёхуд ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда бошқа масалаларни ҳал этишда апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судида иштирок этади";

14) **473-моддаси тўртинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга ҳукмнинг мазмунини, ҳукм устидан улар истаги бўйича апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш муддати ва тартибини тушунтиради";

15) **478-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилиши мумкин.

Ишни юқори суд томонидан кўриш:

1) апелляция тартибида – ушбу Кодекснинг $497^{2}$-моддасида кўрсатилган шахсларнинг шикоятларига ва протестларига биноан;

2) кассация тартибида – ушбу Кодекснинг 498-моддасида кўрсатилган шахсларнинг шикоятларига ва протестларига биноан;

3) назорат тартибида – қонунда протест билдириш



раккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда тегишли суднинг раиси бу муддатни кўпи билан яна йигирма кунга узайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди кассация шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг ўринбосари бу муддатни кўпи билан яна бир ойга узайтириши мумкин.

Ишни кассация инстанциясида кўриш муддати узайтирилган тақдирда, ишда иштирок этувчи шахсларга иш кўриладиган кун олдиндан хабар қилиб қўйилиши лозим.

**$348^{13}$-модда. Кассация инстанцияси судининг ишни кўриш доираси**

Ишни кассация тартибида кўраётганида суд биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текширади. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўла ҳажмда текшириши шарт.

**$348^{14}$-модда. Кассация шикоятини (протестини) суд мажлисида кўриш тартиби**

Кассация инстанциясининг суд мажлиси ушбу Кодекснинг 14, 333 – 342-моддаларида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

**$348^{15}$-модда. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан шикоят берилганлиги (протест келтирилганлиги) муносабати билан ишни кўрадиган касса**





**"500-модда. Суд ҳукмлари, ажримларини (қарорларини) кассация тартибида қайта кўриб чиқишга йўл қўйиладиган муддат**

Шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) кассация тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади";

33) **501-моддаси** чиқариб ташлансин;

34) **502-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ҳукм чиқарган суд ушбу Кодекс 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариб, бир ойлик муддат ичида ишни шикоятлар, протестлар ва улар юзасидан билдирилган эътирозлар, шунингдек тақдим этилган қўшимча материаллар билан бирга кассация инстанцияси судига юборади. Бу муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан йигирма кунга узайтирилиши мумкин";

35) **504-моддаси** чиқариб ташлансин;

36) **505-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Биринчи инстанция судининг раиси кассация шикояти ёки протести тушган иш кассация инстанцияси судида кўриладиган кун ва жойни белгилайди, бу ҳақда ушбу Кодекснинг 498-моддасида кўрсатилган шахслар хабардор қилинади";

37) **507-моддаси** чиқариб ташлансин;



лади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида ишлар апелляция, кассация тартибида ва назорат тартибида уч нафар судьядан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатида - Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумида – Пленум таркибининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда кўрилади";

3) **14-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ишни кўриш чоғида келиб чиқадиган ҳамма масалалар судьянинг якка ўзи томонидан, ишни судьялар ҳайъати кўраётган ҳолларда эса, судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал этилади. Суд қарорлари маслаҳатхонада чиқарилади ва ёзма равишда тузилади. Қарор чиқариш вақтида бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди. Ҳар бир масала ҳайъат томонидан ҳал қилинаётганида судьяларнинг бирортаси ҳам овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради. Озчилик томонида қолган судья ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақли, унинг бу фикри ишга қўшиб қўйилади, бироқ эълон қилинмайди. Ишда иштирок этувчи шахслар судьянинг алоҳида фикри билан таништирилмайди.

Агар алоҳида фикр баён қилинган суд қарори юқори суд инстанциясида кўрилмаган бўлса, у қонуний кучга кирганидан кейин иш билан бирга қўшиб қарорга нисбатан протест келтириш масаласини ҳал қилиш учун тегишли суд раисига юборилади";



учун жўнатади ёхуд ишни тугатади.

Назорат инстанцияси суди жиноят ишини назорат тартибида кўриб, апелляция ёки кассация ажримини бекор қилади, шунингдек агар кейин суд ажримлари, қарорлари чиқарилган бўлса, уларни ҳам бекор қилади ва ишни янгитдан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқишга ўтказади.

Апелляция инстанцияси суди, агар биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш имконияти бўлса, тўлиқ ёки қисман суд тергови ўтказиш ва ҳукмга ўзгартишлар киритишга ҳақлидир.

Кассация ва назорат инстанцияси суди, агар биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш имконияти бўлса, қисман суд тергови ўтказиш ва ҳукмга ўзгартишлар киритишга ҳақлидир.

Юқори инстанция суди асослар мавжуд бўлган тақдирда, маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишга, унга тарбия колонияси ёки жазони ижро этиш колониясининг қаттиқроқ турини белгилашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш миқдорини кўпайтиришга ҳақлидир.

Юқори инстанция суди ҳукмнинг айрим маҳкумларга қўйилган айблов қисмини ёки фуқаровий даъво қисмини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақлидир";

23) **491-моддасининг матнидаги** "кассация" деган сўз "апелляция, кассация" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **493-моддасининг матнидаги** "кассация" деган сўз "апелляция, кассация" деган сўзлар билан алмаш-



нинг илтимоси;

6) шикоят ёки протестга илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати.

Кассация шикоятини шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили имзолайди. Кассация протести ушбу ишда қатнашганлигидан қатъий назар прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан келтирилади ва имзоланади.

**$348^{5}$-модда. Кассация шикоятини (протестини) ҳаракатсиз қолдириш**

Агар кассация шикояти бериш ёки протести келтириш пайтида ушбу Кодекснинг $348^{3}$ ва $348^{4}$-моддалари талаблари бузилишига йўл қўйилган бўлса ёки давлат божи тўлашдан озод қилинмаган шахс шикоят берганлик учун бож тўламаган бўлса, кассация шикояти ёки протести ҳаракатсиз қолдирилади.

Кассация шикояти ёки протестини ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида судья бу шикоят ёки протестнинг ҳаракатсиз қолдирилишига асос бўлган камчиликларни ва уларни тузатиш учун берилган муддатни кўрсатиб ажрим чиқаради.

Агар шикоят берган ёки протест келтирган шахс ажримда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда тузатса, шикоят ёки протест дастлаб судга тақдим этилган кунда берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, шикоят ёки протест берилмаган ҳисобланиб, шикоят берган ёки протест келтирган шахсга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

**$348^{6}$-модда. Кассация шикояти ёки протестини олгандан сўнг биринчи инстанция судининг ҳаракатлари**

Судья ёки суд раиси кассация шикояти ёки протестини олгандан сўнг:

1) ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки про-



"Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

44) **519-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатлари мазкур судларнинг жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари кўрган ишлар бўйича чиқарилган тегишли апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсатларининг қарорлари устидан, шунингдек мазкур судлар томонидан биринчи инстанция тариқасида кўрилган ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раёсати мазкур суднинг округ ва ҳудудий ҳарбий судлар томонидан кўрилган ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатининг қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди биринчи инстанция тариқасида кўрган ишлар бўйича мазкур суд чиқарган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатла-



рининг апелляция ва кассация ажримлари устидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг назорат тартибида чиқарилган ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари устидан назорат тартибида билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Зарур ҳолларда протестлар бўйича ишлар Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судини, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини четлаб ўтиб, назорат тартибида бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кўрилиши мумкин";

45) **520-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Назорат инстанцияси судида жиноят иши ушбу Кодекснинг 506-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан кўрилади. Агар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатида ишни кўриш чоғида протестни қаноатлантириш тарафдорлари билан қаршилар овози тенг келиб қолса, протест маҳкум (оқланган шахс) фойдасига ҳал қилинган ҳисобланади, маҳкумнинг (оқланган шахснинг) аҳволини оғирлаштириш ҳақидаги масала қўйилган протест эса рад этилади";

46) **521-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Назорат инстанцияси суди биринчи инстанция суди



Биринчи инстанция судининг суд муҳокамаси вақтида чиқарилган ажрими устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳукм устидан шундай ҳаракатларни содир этиш билан бир пайтнинг ўзида амалга оширилиши мумкин.

**$497^{2}$-модда. Ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосари эса, протест билдиришга ҳақлидир.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Мазкур модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган шахслар апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидир.

**$497^{3}$-модда. Ҳукмлар устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш тартиби**

Қуйидагиларнинг:

1) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан – Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига;

2) округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан – Ўзбекистон Рес-



уни эълон қилиш ушбу Кодекснинг 14-моддасида белгиланган тартибда ўтказилади";

41) **343-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"343-модда. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан шикоят берилганлиги (протест келтирилганлиги) муносабати билан ишни кўрадиган апелляция инстанцияси судининг ваколатлари**

Суд ишни апелляция тартибида кўриб чиққач, ўз ажрими билан:

1) ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирмасликка;

2) ишни янгидан кўриш учун юбормасдан ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ёхуд бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга;

3) ушбу Кодекс 314-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва ишни биринчи инстанция судига янгидан кўриб чиқиш учун юборишга;

4) ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ҳамда ушбу Кодекснинг 97 ва 100-моддаларида кўрсатилган асосларга кўра иш юритишни тугатишга ёхуд аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли";

42) **344-моддаси** чиқариб ташлансин;

43) **345-моддасидаги** "кассация" деган сўз "апелляция" деган сўз билан алмаштирилсин;

44) **345-моддасидан кейинги** "38-боб. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ АЖРИМЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ (ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШ)" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

45) **346-моддасининг:**

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"346-модда. Биринчи инстанция судининг ажрим**



Қирқиш чизиғи
Буклаш чизиғи

Тадбир

# Теран нигоҳлилар



*Тошкент электр тиббиёт техникумида маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган. Бу ерда тез-тез турли кечалар, кўрик-танловлар, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар уюштирилиб турилади. Бу эса ёшларнинг дунёга теран нигоҳ билан боқишларида, ижодкорлик қобилиятларининг камол топишида муҳим ўрин тутади. Яқинда шу қутлуғ даргоҳда ғазал мулкининг султони, улуғ мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишлаб «Навоий ва тиббиёт» деб номланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Кечада иштирок этган талаба ёшлар Навоий лирикаси билан ошно бўлдилар, Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар даврага янада шукуҳ бағишлади. Техникум талабаси Сардор Холматов талқинидаги Навоий сиймоси эса барчани ҳайратга солди.*

*—Ўтмишини, аждодларини билган, ардоқлаган инсон келажакка ҳам ишонч билан боқади, — дейди маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини Гулнора Ниғматова.*



**СУРАТЛАРДА: адабий-бадиий кечадан лавҳалар акс эттирилган.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# Табиат саховати

***Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари янги дори-дармонлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари, озиқ-овқат маҳсулотларига қўшимчалар ишлаб чиқмоқда. Бироқ, энг асосий йўналиш дори-дармонлар яратишга қаратилган.***

Тиббиётда фойдаланилаётган дори-дармонларнинг деярли ярми ўсимликлардан олинади. Улар олимлар томонидан турли ўсимликларнинг илдизи, пояси ва баргларидан ажратиб олинган биологик фаол моддалар асосида ишлаб чиқилади. Бундай препаратлар организм ҳужайраларидаги ҳаётий жараёнларга синтетик дори-дармонларга нисбатан зарарсиз ва табиий равишда аралашади.

— Институтимиз антиаритмик дори-дармонлар ишлаб чиқаради, — дейди институт директори, профессор Х.Шоҳидоятов. — Масалан, аллапинин дориси юрак-қон-томир касалликлари билан хасталанган кишиларга яхши таниш. Бу дори аконит деган ўсимликдан ноёб алколоид ажратиб олиш учун қилинган кўп йиллик изланишларимиз самарасидир. Кимёгарлар муаммонинг назарий ечимини топгач фармакологлар, институт технологлари амалий ишга киришди ва янги дори яратилди. Шунингдек, янги антиаритмик препарат — аллизин ва бошқалар ишлаб чиқилди.

Республикамизда, хусусан, Тошкент вилояти ҳудудида термопсис ўсимлиги ўсади. Тоғ ён-бағирларини қоплаб ётган бу ўсимликни ҳайвонлар хуш кўрмайди. Олимлар бу ўтдан цитизин моддасини ажратиб олишди. Бу моддадан маълум миқдорда фойдаланилганда нафас олишни яхшилаши аниқланди.

Кўпгина ўсимликлар, агар улардан оқилона фойдаланилса, турли касалликлардан халос бўлишга ёрдамлашади. Бунинг учун олимларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш лозим. Юртимизнинг тоғли ҳудудларида ўсадиган бешта ўсимлик тури асосида янги доривор препарат яратилиши Ўзбекистон Фанлар академиясининг ботаника, ўсимлик моддалари кимёси, биорганик кимё институтлари олимлари ҳамкорлиги натижасидир. "Ҳожиматовнинг сафро ҳайдовчи тўплами" деб номланган ушбу доривор воситани жигар хасталиклари, гепатит ва холециститни даволашда қўллаш тавсия этилади.

Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари ҳозиргача ўсимликлардан дунёда номаълум бўлган бир неча минг янги кимёвий моддалар ажратиб олди. Улар асосида турли дори-дармонлар ишлаб чиқилмоқда. Уларнинг 20 таси клиник синовдан ўтиб, тиббиётда қўллаш учун тавсия этилди. Бир қанча препаратлардан қишлоқ хўжалигида, консерва ва қандолат маҳсулотлари, парфюмерия воситалари ишлаб чиқаришда фойдаланишга рухсат этилган.

Институт томонидан 1945 йилдан буён чоп этилаётган "Табиий бирикмалар кимёси" махсус журнали тадқиқотларни ривожлантириш, илмий тажриба алмашишга ёрдам бермоқда. Журналда нафақат республикамиз, балки бошқа мамлакатлар олимларининг ҳам илмий ишлари чоп этилади. Нью-Йоркдаги "Plenum publishing corparation" нашриёти журналнинг дастлабки сонидан бошлаб инглиз тилига таржима қилиб келаётир.

**В.ДРАЧЁВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Қонун устуворлиги учун

# Арофат топган адолат



## Таҳририятга келган бир шикоят муносабати билан туғилган ўйлар

Бир пайтлар, чамаси бундан ўн йил илгари, газетада, бизнингча, антиқа, уларча, оддий бир хабарни ўқигандим. Унда ёзилишича, бир фуқаро машинада кетаётганда йўлдаги чуқурга урилиб кетиб, машинаси қаттиқ шикастланади. Шунда у шаҳар мэрини судга беради ва ундан кўрган зарарини ундириб берилишини сўрайди. Фуқаро ўз даъвосини шундай асослайди: мен солиқ тўловчиман, машинам бўлганлиги учун йўлларни ўз вақтида таъмирлашга кетадиган харажатларни қоплаш учун ҳам солиқларни ўз вақтида тўлаб тураман. Ўша мен ва менга ўхшаган машина эгалари тўлаб келаётган солиқ пуллари эвазига йўлларни талаб даражасида бўлишини таъминлаш шу шаҳар бошлиғининг бевосита хизмат вазифасидир.

Қаранг, суд ўша фуқаронинг даъвосини қаноатлантириб, шаҳар раҳбаридан машинасини таъмирлаш учун кетган барча харажатларни ундириб бериш тўғрисида ҳукм чиқарган. Маданий, қонун олдида барча тенг ҳисобланадиган чет эл мамлакати фуқароларига ҳам ҳайрат, ҳам ҳавас билан қарагандим ўшанда. Яширмайман, бизда ҳам бир кун келиб шундай бўлармикан, дея ҳам ният, ҳам армон ўтган эди кўнгилдан.

Шукрлар бўлсинки, мустақилликка эришдик, шу ўтган давр мобайнида демократик жамият қуриш борасида жуда катта тадбирлар амалга оширилди. Қонун олдида барча тенг эканлигини ҳаётнинг ўзи борган сари кўпроқ тасдиқлаяпти. Барча соҳада қонун устуворлигини таъминлаш — ҳозирги пайтда давр талаби эканлигини оддий фуқаролар ҳам, мансабдор шахслар ҳам чуқурроқ англаб бораётганлиги қувонарли ҳолдир. Яқинда, ўша мен орзу қилган, ҳавасим келган тараққий этган мамлакатда юз берган воқеага жуда ўхшаш ҳодиса бизда ҳам бўлганлигидан хабар топдик.

Воқеа яхши тушунарли бўлиши учун таҳририятга келган хатдан баъзи жойларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Биз шаҳарнинг Шаҳрихон кўчасидаги кўп қаватли уйда яшаймиз — деб ёзади асакалик фуқаро Арофат Фозилова. — Электр қуввати билан таъминлашдаги узилишлар, қувватнинг дам кўпайиб, дам озайиб кетиши туфайли асабларимиз кўп бор бузилади. Бу ҳақдаги арз-додимиз ўз вақтида тегишли ташкилотларга етказилди. Афсуски эътирозларимизни ҳеч бир зот инобатга олмади. Ниҳоят охирги воқеа сабр косамизни тўлдириб юборди. Ўша куни нима сабабдандир қувват ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Натижада «Горизонт» телевизорим ва «Орион» видеомагнитофоним тутаб ёниб кетди, «Снеженка» музлатгичимнинг мотори ишдан чиқди. Сервиздагилар тузатиш учун 77 минг 300 сўм сўрашди.

Бундай ҳолат қўшниларимизда ҳам юз берди.

Мен шаҳар прокурорига мурожаат этдим. У мазкур ишни судга оширди.»

Шаҳар суди прокурорнинг даъво аризасини асоссиз деб топиб, уни рад этиш ҳақида ҳал қилувчи қарор чиқаради. Бундан норози бўлган Асака шаҳар прокурори келтирган кассация протестида суд ишни кўришда ҳақиқий ҳолатларни тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунда белгиланган чораларни кўрмасдан, гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглашдан бош тортиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг талабларига зид равишда ҳал қилувчи қарор чиқарганлигини кўрсатиб, уни бекор қилиш ва ушбу масалани янгитдан кўриш учун бошқа суд таркибига юборишни сўрайди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мазкур масаланинг фақат иқтисодий томони бўлиб қолмасдан унинг маънавий жиҳати ҳам бор эди. Бу ҳақда фуқаро Арофатхон Фозилова газетага йўллаган аризасида яна қуйидагиларни таъкидлайди:

«... Таҳририятга хат ёзаётганимдан хабар топган қўшниларимдан баъзилари бекорга овора бўлаяпсиз, қонун бошқа — ҳаёт бошқа, деганлари ҳам бўлди. Мен оддий ҳамшираман. Кимгадир 77.300 сўм унчалик кўп маблағ кўринмаслиги мумкин. Лекин аслини олганда гап пулда ҳам эмас. Шундай деб ўйлайдиганлар хато қилади. Гап инсонга эътиборда, мавжуд қонунларга ҳурмат билан қараш ва уларга амал қилиш ҳақида бормоқда. Адолатга бўлган ишончга путур етмасин дейман».

Кўриниб турибдики, масала жиддий.

Таҳририят шикоят хатини моҳиятан кўриб чиқишни сўраб, вилоят прокуратурасига мурожаат этди. У ердан вилоят прокурори жаноб У.Шамсиевнинг имзоси билан жавоб мактуби олинди. Унда айтилишича, фуқаро А.Фозилованинг аризаси ҳозирда вилоят судининг кассация тартибида муҳокама қилинадиган фуқаролик иши ҳужжатларига қўшиб, қонуний ҳал қилишлик учун юборилган.

Хўш, бу тортишувлар ҳамда ёзишмаларнинг пировард натижаси нима билан тугади, деб сўрарсиз. Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари жаноб Н.Қурбоновнинг хабар беришича, мазкур фуқаролик иши Андижон вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов коллегиясида кўрилиб, унинг ажрими билан Асака шаҳар судининг ҳал қилувчи қарори бекор қилинган ва ишни янгитдан кўриш учун Марҳамат туман судига юборилган.

Марҳамат туман судининг ҳал қилувчи қарорига асосан Асака шаҳар прокурорининг даъвоси қаноатлантирилиб, А.Фозилова фойдасига Асака шаҳар электр тармоқлари корхонасидан 77 минг 300 сўм ундириладиган бўлган.

Айни шу мазмундаги жавоб хати Андижон вилоят судидан ҳам олинди.

Бир неча ойлар давом этган турли идоралар ўртасидаги ёз-ёзлар ниҳоясига етди. Энг муҳими, адолат қарор топди. Тўғри-да, нега энди кимнингдир лоқайдлиги, ўз вазифасига юзаки муносабатда бўлиши оқибатида етказилган зарар бошқа киши зиммасига тушиши керак? Бу ўринда Асака шаҳар прокурори Б.Деҳқоновнинг мазкур ишда изчиллик кўрсатганини таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади, деб ҳисоблаймиз. Ҳамма қонун олдида баробар. Агарда қонун устуворлигини таъминлаш борасида қанчалик қатъиятлилик кўрсатиладиган бўлинса, маҳаллийчилик, ортиқча юз хотирчилик йиғиштириб қўйиладиган бўлса, ҳаётимиздаги камчиликлар шу қадар камайиб бораверади, олдимизга мақсад қилиб қўйган — демократик, фуқаролик жамиятини барпо этишда шунчалик кўнгилни ҳушнуд қиладиган натижаларга эришаверамиз.

**Исмоил СУЛАЙМОНОВ.**


ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

*республика аҳолиси ва меҳмонларига ноёб имкониятни — энг замонавий тўлов воситаси бўлган*




**СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИНИ**

*бепул олишни таклиф этади.*

**Ҳисобвараги қаерда очилганидан қатъи назар, сўм карточкаси ёрдамида бизнинг исталган муассасамизда банкоматдан ҳам, кассадан ҳам нақд пул олишингиз мумкин. «Шарқ-Мир», «Тижорат» супермаркетларида ва Нукус аэропортида ҳам банкоматлар ўрнатилган.**

**Супермаркетлар, дўконлар, ресторанлар, маиший хизмат корхоналари, уяли алоқа компаниялари, авиа ва темир йўл кассаларида сўм карточкалари товарлар ва хизмат ҳақини тўлаш учун қабул қилинади;**

**карточка эгаларига йилига 36% фойда тўланадиган омонат очилади, ҳар ойда капиталлаштириш эвазига эса пулларингиз йилига 42,6% кўпаяди;**

**сўм карточкаларининг эгаларига ҳаёт ва соғлиқни бепул суғурталаш имкони берилади.**

1991 NBU 2001
National Bank of Uzbekistan

**Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки пулларингизнинг сақланиши ва даромадлилигига кафилдир.**

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ёки филиалига мурожаат қилиб, сўм пластик карточкасининг эгаси бўлишингиз мумкин. Маълумот учун телефонлар: (+99871) 137-62-80, 34-31-53.**

## Жисмоний тарбия ва спорт:

# Ғолибликдан оммавийликка

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида Ўзбекистонда рўй берган тарихий ўзгаришлар, қўлга киритилган ютуқлар, улкан бунёдкорлик ишлари шу мўътабар ва гўзал заминда яшаётган ҳар биримизнинг юрагимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Юртбошимиз айтганларидек: «Ҳар бир авлод эл-юртининг тарихини ва обрўйини ўзининг фарзандлик муҳаббати ва эътиқоди, садоқати ва бунёдкорлиги, матонати ва мардлиги билан барпо этади».

Дарҳақиқат, ўтган ўн йилнинг ҳар бир куни, ойи, йили бизни ана шундай ҳаёт кечиришга ундади.

Озодликнинг тоти ўзгача. Биргина халқаро спорт мусобақаларида ғолиб бўлган юртдошларимиз шарафига Давлатимиз мадҳияси янграб, байроғи кўтарилгандаги ифтихор ва ғурур нечоғлик ҳузур бағишлашини айтинг. Эътироф этиш керак, Ўзбекистон эришган, эришаётган ҳурмат-эътиборда спортчиларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ўтган ўн йил давомида мамлакатимиз спортчилари қишки ва ёзги Олимпия, Осиё ўйинларида, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, кўплаб халқаро турнирларда ўзларининг нималарга қодир эканлигини намойиш қилишди. Биргина 1996-2000 йилларда 25 спорт тури бўйича ўтказилган 100 дан ортиқ халқаро мусобақаларда минглаб спортчиларимиз иштирок этдилар. Хуллас, кейинги йилларда дунё боксчилари Ўзбекистон деганда ҳушёр тортадиган бўлиб қолишди.

Республикамизда кўплаб нуфузли беллашувларнинг ўтказилаётганлиги, ўзбек курашининг халқаро спорт тури сифатида эътироф этилиши, Ватанимиз альпинистларининг Эверест чўққисини забт этиши, юзлаб спорт мажмуалари, стадионлар, теннис кортлари, сузиш бассейнлари бунёд этилиши, спорт-соғломлаштириш клубларининг фаолият кўрсатаётгани, спортнинг миллий турлари, халқ ўйинларининг оммалашиб бораётганлиги, Тошкентда Олимпия шон-шуҳрат музейи ташкил этилиши соҳага давлат сиёсати даражасида қаралаётганидан далолат беради.

Президентимиз нафақат Ўзбекистон, балки жаҳонда Олимпия ғояларини тарғиб қилиш, халқлар ўртасида тинчлик ва ўзаро ҳамкорлик ишларини ривожлантиришдаги ҳиссаси учун Халқаро Олимпия қўмитаси, Осиё Олимпия қўмитаси, жаҳон спорт федерацияларининг олтин ордени билан тақдирланди.

Булар ўз-ўзидан юз бераётган воқеалар, ўз-ўзидан эришилаётган натижалар эмас. Уларнинг замирида катта меҳнат, соҳани ривожлантиришнинг яхлит тизими яратилганлиги, баркамол авлодни тарбиялашга устувор аҳамият берилганлиги мужассамлашган.

Бунинг учун, аввало, тармоқнинг жаҳон андозаларига мос ҳуқуқий ва меъёрий асослари яратилди. Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, футбол, теннис, бокс, кураш ва бошқа спорт турларини ривожлантириш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш дастури жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга, аҳолининг кенг табақаларини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан узлуксиз шуғулланишга жалб қилишга қаратилгандир. Зеро, соғлом авлодни тарбиялаш буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир.

Мазкур дастур доирасида жисмоний тарбия ва спортни ташкил этиш, бошқариш тизими такомиллаштирилмоқда. Миллий Олимпия Қўмитаси, тегишли халқаро ташкилотларга кирувчи миллий федерациялар тузилди. Мустабид тузум даврида истиқболсиз спорт тури сифатида унутишга маҳкум этилган миллий ўйинларимиз қайта тикланиб, ривожланмоқда. Алпомиш ва Барчиной нишонларини олиш учун ёшлар ўртасида мусобақалар ўтказиляпти.

Тан олиш керак, яқин вақтларгача барча ўқувчи ёшларни оммавий спорт мусобақаларига жалб қилишда давомийлик ва узвийлик йўқ эди. Бу гап умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар ҳамда олий таълимга бирдай тааллуқлидир. Мавжуд таълим тизимлари ўртасида мувофиқлаштирувчи давлат-жамоат тузилмаларининг самарасиз ишлаётганлиги, спорт заҳираларини тайёрловчи амалдаги тизим фаолиятининг самарадорлигини баҳоловчи мезонларнинг такомиллашмаганлиги, турли таълим турларида иқтидорли ёшларни доимий танлаш ва уларга ҳомийлик қилиб боришда қатъият йўқлиги умумий мақсадларга эришишга бирмунча монелик қиларди. Шу боис бу камчиликни бартараф этиш учун кўрсатилган таълим турлари доирасида мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказишга доимий тус бериш мақсадида Ўзбекистонда уч босқичдан иборат ўзига хос узлуксиз тизим ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.



**Биринчи босқичда** «Ёшлик» спорт жамияти доирасида умумий ўрта таълим мактабларининг 1-9 синфлари ўқувчилари қамраб олинади. Ҳар ўқув йилида «Умид ниҳоллари» ўйинлари ўтказилади — кузги таътилда мактаб ва туманларда, қишги таътилда вилоят миқёсида, ниҳоят, баҳорги таътилда мамлакат миқёсида бўлиб ўтади.

«Умид ниҳоллари» ўйинлари ёшларни фойдали ва мазмунли ҳаракатга йўналтириш, курашда чиниқтириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, ғалабага интилиш фазилатларини тарбиялаш, қисқаси, спортни ёшларнинг ҳаётий эҳтиёжига айлантириш мақсадига хизмат қилиши керак. Шу билан бирга ўқувчиларнинг шахсий-ижтимоий ривожланиши, иқтидорли ёшларни спорт резервига киритишни ҳам назарда тутади.

**Иккинчи босқичда** «Баркамол авлод» спорт жамияти доирасида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари қамраб олинади. Коллеж ва лицейлар ўқувчилари ўртасида йилига бир марта «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ўтказилади. Мусобақалар октябр-январ ойларида туман (шаҳар)ларда бошланиб, апрелгача вилоят миқёсида давом этади. Мамлакат якуний босқичи апрел-май ойларида ўтказилади. Бу мусобақа ҳам ўқувчиларни жисмоний ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида кенг қамровли ишларни янги босқичга кўтаришга ёрдам беради.

**Учинчи босқичда** «Талаба» спорт жамияти доирасида «Универсиада» спорт мусобақалари ўтказилади. Мусобақалар олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ҳар икки йилда бир марта ўтказилиб, мамлакат терма жамоасини доимий равишда мамлакат шарафини нуфузли халқаро мусобақаларда ҳимоя қила оладиган спортчилар билан тўлдириб бориш имконини ҳам беради.

Кўриб турганингиздек, бу тизим ёшларнинг барча қатламларини тўла қамраб олади. Илк бор мактабда спорт ўқувчининг дўсти бўлса, лицей ва коллежда унинг ажралмас ҳамроҳига айланади. Университет ва институтда эса бу ҳамроҳ уни нуфузли халқаро мусобақалар сари етаклайди. Мусобақалар жараёнида кашф этилган ғолибларни Ўзбекистон терма жамоаларига жалб этишга ҳам хизмат қилади. Яна бир муҳим томони, бу тизимда спортнинг маълум тури билан ошно тутинган йигит-қиз бу борадаги фаолиятини бўлажак оиласида, меҳнат жамоаларида ҳам давом эттиради.

2000 йилдан мамлакатимизда ана шу ўзига хос тизим асосида умумий ўрта таълим, махсус касб-ҳунар, олий таълим ўқувчи, талаба ёшлари ўртасида мазкур мусобақаларни босқичма-босқич ўтказишга киришилди.

Мусобақаларнинг финал босқичини ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ҳудудий ҳокимликлар рақобатлашадилар. Бу тасодиф эмас, албатта. Наманганда бўлиб ўтган «Универсиада-2000» ҳамда Жиззах шаҳрида ўтказиладиган «Баркамол авлод» мусобақаларида шу вилоятлардаги спорт иншоотлари ва бошқа ижтимоий инфратузилмаларнинг моддий-техника ҳолати, имкониятлари эътиборга олинди. Финал мусобақаларини ўтказиш жараёнида янги мажмуалар қурилди, борлари қайта таъмирланди, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг иш тажрибалари янада бойиди, энг асосийси жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони кўпайди.

Албатта, гап болалар, ўқувчилар, талабалар, қўйингки, барча ёшларни спорт билан ошно қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, иқтидорли ёшлардан мамлакат терма жамоалари тузиш устида борар экан, бу борада болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ҳам (БЎСМ) алоҳида ўрин тутади.

Ҳозирда мамлакатимизда 536 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ишлаб турибди. Уларнинг 367 таси Халқ таълими вазирлиги, 53 таси Давлат спорт қўмитаси, 116 таси касаба уюшмалари тизимига киради. Бу мактабларда 39 турдаги спорт билан шуғулланилади. Ўқувчиларнинг сони 300 мингни ташкил этади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, кўп БЎСМларнинг фаолияти талабга жавоб бермайди. Уларнинг 90 фоизи ўқув-тренировка машғулотларини умумтаълим мактабларининг спорт иншоотларида ўтказадилар.

БЎСМларнинг фаолиятини тубдан яхшилаш учун ҳар бирининг фаолиятини батафсил ўрганиб чиқиш асосида, аттестация ва аккредитациядан ўтказиш, уларнинг олдига аниқ вазифалар қўйиш лозим. Масалан, баъзи БЎСМлар юқори спорт ютуқларига эришиш учун заҳира тайёрлашга, айримлари эса оммавий жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини ривожлантиришга ихтисослашиши, бундай мактабларни оммавий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ишлари марказларига айлантириш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, тегишли норматив ва ўқув-режалари ҳужжатларини тайёрлаш, Марказлар ва БЎСМлар фаолиятини ўзаро битимлар асосига қуриш қоидаларини ишлаб чиқиш зарур. Шунда, бизнингча, кимнинг нимага жавоб бериши аниқ бўлади.

Марказлар ўз вазифаси доирасида ўқувчиларга спорт турларини эркин танлашга имкон бериши, машғулотларнинг юқори даражада ва қизиқарли ўтишини таъминлаши керак. Бунда, албатта, ўзбек спортчиларининг Олимпия ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида эришаётган ютуқлари билан мунтазам таништириб бориш, болаларга ўз халқининг анъаналарига, маънавий-ахлоқий қадриятларига, буюк тарихига дахлдорлик, Ватанни ҳимоя қилишга ҳамиша тайёрлик туйғусини сингдириб бориши лозим.

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга ўқувчиларни тобора кўпроқ жалб қилиш, ўқув-спорт гуруҳлари аъзоларининг доимийлиги, машғулотларнинг сифати, мусобақаларнинг халқаро талаблар ва қоидалар асосида ўтказилиши, ўқувчиларнинг белгиланган нормативларни бажариши, туман, вилоят, шаҳар, мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда эришган натижалари, ўқувчилардан спорт турлари бўйича жамоатчи-инструкторлар ва ҳакамлар тайёрланиши, спорт турлари бўйича методик қўлланмалар ва дарсликларнинг яратилиши, умумтаълим мактабларига спорт ишларини ташкил этишга берилаётган ёрдам Марказлар фаолиятига баҳо берувчи мезон бўлиши мумкин.

Хўш, ана шу янги тизимнинг яхлит бир механизм тарзида доимий ишлаб туриши қандай мақсадларни амалга ошириш ва қайси вазифаларни ечишга имкон беради?

**Биринчидан**, аввало, бунда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида ўқувчи ёшларни спортга жалб қилишнинг ягона тизими яратилади, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари ва талабаларнинг жисмоний тарбияга бўлган эҳтиёжлари таъминланади.

**Иккинчидан**, жисмоний тарбия ҳаракатининг оммавийлигини таъминлашда, барча ёшдаги ўқувчилар соғлигини тиклашда жисмоний тарбия ва спортнинг ролини оширишда қўл келади. Пировардида спорт турлари бўйича иқтидорли ёшлардан мамлакат терма жамоаларини шакллантириш тизими яратилади.

**Учинчидан**, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, мураббийлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари фаолияти устидан самарали назорат тизимини яратиш таъминланади.

**Тўртинчидан**, жойлардаги спорт базаларини янада ривожлантириш, мавжуд тизимларни такомиллаштириш, кадрлар даражаси ва савиясини ошириш, соғлом муҳит яратиш имконини беради.

**Бешинчидан,** кенг миқёсда спорт кийимлари, анжомлари ишлаб чиқариш тизимларини яратишга, мавжудларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, шахсни жисмоний ва маънавий камилликка элтишнинг муҳим омили бўлган спорт Ўзбекистонда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишига айланади.

Спорт иродани, инсондаги мақсадга интилиш туйғусини мустаҳкамлайди, қийинчиликларни сабот билан енгишга ўргатади, кишида ўз мамлакатининг, халқининг дунё ҳамжамияти олдидаги обрў-эътиборининг ошишидан ғурурланиш туйғусини кучайтиради. Бошқача айтганда, жисмоний тарбия ва спорт мамлакатимиз миллий мустақиллиги ғоясининг таркибий қисми бўлиб қолади. Инчунун, Кадрлар тайёрлаш миллий моделига мос равишда яратилган узлуксиз оммавий спорт ҳаракати Ватанимиз манфаатларига хизмат қилади.

**М.АХМАТОВ,**
**М.ҲОЖИМАТОВ.**

## ЯНГИ ТИББИЁТ МАРКАЗИ



Яқинда Урганч шаҳрида 160 ўринли вилоят тез тиббий ёрдам маркази ишга тушди. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган бу марказ замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган.

***СУРАТЛАРДА:** янги бинонинг умумий кўриниши; марказ директори, олий тоифали ҳаким Отаназар Ниёзматов ренгенолог шифокор Рўзибой Жуманиёзов билан.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## Ҳикмат

*Келмак иродат, кетмак ижозат биландир.*

## Ҳамюртларимиз ғалабаси



Минскда эркин кураш бўйича халқаро турнир ўз ниҳоясига етди. 14 мамлакатнинг 145 нафар спортчиси мазкур нуфузли мусобақанинг асосий совринлари учун ўзаро беллашди. Ўзбекистондан олти нафар спортчи қатнашиб, улардан уч нафари медалларга сазовор бўлди.

54 килограмм вазн тоифасида иштирок этган ҳамюртимиз Дилшод Мансуров турнир ғолиби, деб топилди. Адҳам Очилов эса, шу вазн тоифасида кумуш медалга сазовор бўлди.

Дамир Захартдинов 58 килограмм вазн тоифасида бронза медал соҳиби бўлди. Курашчиларимиз Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Миллий Олимпия қўмитаси томонидан эркин кураш федерациясининг 2000 йилда "Энг яхши Федерация", деб топилиши бежиз эмаслигини яна бир бор исботлади.

Иккинчи ва тўртинчи март кунлари Тошкентда эркин ва юнон-рум кураши бўйича бешинчи халқаро турнир ўтказилади. Бу турнир "Гран-при" туркумида энг яхши турнирлардан бири, деб эътироф этилган.

**(ЎзА).**

## Жумбоқ

***Бир камбағал чол дарёга тўр ташлаб, олтин балиқ тутиб олибди. Балиқ чолга мени қўйиб юбор, нима истасанг шуни муҳайё қиламан, то ўлгунингча роҳат-фароғатда яшайсан, — дебди. Чол унинг сўзларига қулоқ солгандай бўлиб турибди-да, барибир нафси ғолиб келиб, балиқни қозонга ташлабди. Айтинг-чи, чол нега шундай қилди?***

### Кечаги жумбоқнинг жавоби:



**Болакай подшоҳга кўзангизни жоним билан тикиб бераман, фақат сиз унинг тескарисини ағдариб берсангиз, бас, деган шарт қўйган.**

**Бу ҳақда тошкентлик Муножот Зокирова ва Абдурашид Нуримбетовлар 136-35-60 телефони орқали хабар қилишди.**

### Китоблар оламида




# Долзарб қўлланма

Республикамизда бозор муносабатларига ўтиш даврида мутахассисларнинг касбий тайёргарлигига, амалий фаолиятига бўлган талаблар кескин ортмоқда. Бундай шароитда, жумладан бўлажак олий маълумотли иқтисодчи мутахассислар олдига бир қанча талаблар қўйилади: коньюктурани кузатиш ва унинг услубиятини билиш, маркетинг ва брокерлик маҳоратини ўрганиш, тижорат ва биржа сирларини эгаллаш, банк, кредит, молия, суғурта, божхона, солиқ соҳаларидаги амалларни чуқур билиш, таҳлил қилиш ва ҳоказо...

Уларни ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этишда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети"Статистика" кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган, Тошкент шаҳри ДИТАФ нашриётида 2000 йил охирида чоп этилган **"Макроиқтисодий статистика"** номли ўқув қўлланмаси муҳим манба ҳисобланади.

Ўқув қўлланмада бозор иқтисодиёти шароитида қўлланиладиган статистиканинг асосий қонуниятлари, таърифлари, таснифлари ва кўрсаткичлари баён этилган, статистика услубияти халқаро андозалар ва ўзбек статистикасининг амалий фаолияти эътиборга олинган ҳолда таърифланган. Унда бухгалтерия ҳисоботини ва статистикани жаҳон андозаларига ўтказиш, миллий ҳисоблама-лар ва макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими, молия, пул муомаласи, кредит, баҳонинг шаклланиши, фонд бозори, тармоқлараро баланс, ташқи иқтисодий фаолият, аҳолини иқтисодий ҳимоя қилиш, бандлик ва ишсизлик масалаларига ва шу соҳалардаги таянч ибораларга жиддий эътибор берилган.

Ҳозирги давр статистика амалиёти бозор иқтисодиёти шароитида яшаётган мамлакатларда синовдан ўтган кўрсаткичларни қўллашни ва уларни халқаро даражада қиёслашни тақозо этади. Қўлланмада ана шундай статистик кўрсаткичлар методологияси кенг ёритилган.

Макроиқтисодий статистика кўрсаткичларини аниқлаш учун лозим бўлган бирламчи маълумот манбалари махсус бобда ёритилган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб эътироф этиш мумкинки, қўлланма ҳозирги замон талабларига жавоб беради, шу курс бўйича тайёрланган намунавий дастур асосида ёзилган.

Ушбу китоб бозор иқтисодиёти шаклланаётган даврда муносиб қимматга эга зарурий қўлланма бўлиб, ундан талабалар, магистрлар, аспирантлар, статистика, молия, солиқ, банк ва бухгалтерия ходимлари ҳамда иқтисодиёт соҳаси билан қизиқувчилар ўзларига тегишли маълумотларни олишлари мумкин.

**Эргаш АКРОМОВ,**
**профессор.**
**Искандар ЁҚУБОВ,**
**доцент.**


## “СУВЖИҲОЗГАЗ”

**Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси тежамкорликни бугунги куннинг асосий шиори деб билган хўжаликлар, ташкилотлар ҳамда фуқароларга ўз маҳсулотларини тавсия қилади.**



**Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган газ ва сув ўлчагич асбоблари Ўзбекистон давлат стандарти талабларига тўлиқ жавоб беради.**



**Улардаги:**
- ***юқори сезгирлик;***
- ***узоқ муддат хизмат қилиш;***
- ***аниқ ўлчаш;***
- ***газни ташқарига чиқармаслик;***
- ***бежирим ташқи кўриниш;***
- ***арзон нарх***

***каби афзалликлар юқори сифатдан далолат.***

***“Сувжиҳозгаз” харид қилинган асбобларнинг икки йил давомида бузилмасдан ишлашига кафолат беради ҳамда шу давр мобайнида носозликлар чиқиб қолса, бепул таъмирлайди.***

**Сизнинг тежамкорлигингиз — келажакка мадад!**



**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Чилонзор» мавзеси, 20-даҳа, 19/3-уй.**
**Тел.: 117-15-42, 117-15-54, 117-15-56.**



3511


Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси раҳбарияти ва меҳнат жамоаси академия ректори ёрдамчиси Камол Ғофуровга падари бузруквори

**Нурилҳақ ҒОФУРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг Ангрен тоғ-кон техника инспекцияси бошлиғи Абдуҳамид Норматовга падари бузруквори

**АБДУРАСУЛ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ**



**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.



**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*



**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001 рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 716, 30797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВлар томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 00.45*
1 2 3 4 5 6